



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЖАМИЯТ

№ 11 (695)  
2020 йил  
13 март,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан ч... лаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru

**“Биз овқат қиламизу аёлларимиз раҳбар бўлиб, машиналарда юрдими?”**



Аёл яхши кунда ажрашмайди. Пичоқ суякка бориб қадалсагина, шундай қарор қилади.



**Дарахтнинг ID картаси**



**Соғлиқни пулга сотиб ололмайсиз!**



**Табақаланиш... мактабдан бошланмагани маъқул!**

**“Уят бўлади” билан иш битмайди**



Уят бизда бор, лекин унинг қиймати, қадри йўқ. Эгизакларини елим халтада ташлаб юборган қиз нега шундай қилди? Жамиятдан, одамлардан уялгани учун. Лекин ўзидан, икки нафар бегуноҳ боладан уялмади...



**Баҳорга ободлик ярашгай**

**ҚИСҚА САТРЛАРДА ўқинг!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожига, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 март куни Хоразм вилоятига жўнаб кетди.



## Кластер деб, ҳудудлар саноати ривожланмай қолмасин

Қишлоқ хўжалигида кластерлар ташкил этилиши, пахта ва ғаллага давлат буюртмасининг бекор қилиниши йиллар давомида кутилган ажойиб янгилик бўлди. Кластерлар ташкил этилиши ушбу соҳада банд бўлган минг-минглаб ходимларнинг даромад манбаи ва ижтимоий ҳимоясига таъсир қилмасдан қолмайди.

Айни пайтда аграр секторда маҳсулот етиштиришнинг кластер усулини ташкил этишда, айрим ҳолларда, бир ёқлама ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Аксарият ҳолларда кластер тузаётган ташкилот бошқа ҳудудда ёки бошқа вилоятда ўзининг қайта ишлаш корхонасига эга. Шунинг учун етиштирилган пахта хом ашёси жойида қайта ишланмасдан, бошқа ҳудуд ёки бошқа вилоятга олиб кетилаётган ҳолатларни учратиш мумкин.

Бир қарашда “мамлакатдан четга чиқиб кетмапти-ку, ҳа, энди кластерлаштиришнинг дастлабки босиқичида бундай ҳолатлар юзага келиши табиий”, деган фикр тўғрисида ўқшайди. Лекин масаланинг бошқа томонига ҳам эътибор бериш керак. Хомашё етказиб, чигитини ўзида қайта ишлашдан маҳрум бўлиб қолётган ҳудудларда айнан саноат ўта сустривожланган. Чунки, ҳозирги ҳолатда пахта хомашёсини етиштириш энг кам даромадли соҳа ҳисобланади. Даромад эса ҳаражатни деярли қопламайди. Пахтани қайта ишлашдан

даромад оладиган жараёнлар чигитни бирамчи ва кейинги босқичларда қайта ишлашдан бошланади.

Бундай жараён узоқ давом этадиган бўлса, шундоғам сустривожланган туман ёки ҳудуд баттар сустрлашиб кетаверади. Маҳаллий хомашё етказиб бевурувчиларнинг даромади ва иш ўринлари қисқариши аҳолининг қамбағаллик ҳолатига тушиб қолши эҳтимолини орттиради, холос.

Шунинг учун парламент депутатылар ушбу масалани жойига чиқиб, чуқур таққидий-таҳлилий ўрганиши учун махсус ишчи гуруҳи тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ишчи гуруҳи статистика маълумотлар, саволнома ва сўровлар орқали реал вазиятни ўрганиб, аниқланган муаммоларни бартараф этишнинг қонуний асосларини топиш юзасидан тақлифлар тайёрласа, бу борадаги ишларни янада яхшилаш мумкин, деб ўйлайман.

Шарофиддин НАЗАРОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

## Ҳар бир соҳада фаол

Буни ўтган сайловларда ҳам кўрдик. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 депутатнинг 32 фойзини, парламент юқори палатаси — Сенат ва маҳаллий кенгашларда 25 фойздан ортигини хотин-қизлар ташкил этди. Бу дунё мамлакатлари ичида миллий парламентда аёллар сони бўйича Ўзбекистон юқори ўринларда турибди дегани. Қувонарлиси, бугун Ўзбекистон миллий парламентида аёллар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди.

Давлатимиз раҳбари 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Ватан равнақи йўлида фидокорлик кўрсатиб келаётган азиз аёллари

мизни эътироф этиб, улар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратиш, энг масъулиятли ва шарофли соҳаларда аёлларимизга ишонч билдириб, опа-сингилларимизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини таъкидлаб ўтди.

Бир ўзбек аёли, икки фарзанднинг онаси, қанчадан-қанча аёлларимизнинг тақдирига дахлдор халқ ноиб сифатида Президентимиз томонидан билдирилган ишонч, эҳтиром менга куч-қувват, фахр, гурур ва улкан масъулият юклади. Албатта, давлатимиз тараққиёти, жамиятимиз ривожини, аҳолининг манфаатларига хизмат қиладиган қонуний ишлаб чиқишда ўзимнинг муносиб улшшимни қўшаман.

Шаҳноза ХОЛМАХАМАТОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодават нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонуни устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

# Соғлиқни пулга сотиб ололмайсиз!

КЕЧАГИ КУН БУГУНГА, БУГУН ЭРТАГА, ЭРТА ЭСА КЕЛАЖАККА ЗАМИН ҲОЗИРЛАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛЯПМИЗ. ЖУМЛАДАН, ЖУДА ҚИСҚА ДАВРДА БАРЧА СОҲА ҚАТОРИ ТИББИЁТ ТИЗИМИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ҲАР БИРИМИЗНИ МАМНУН ҚИЛАДИ.

Ўтган йилда соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган маб-лағ 12,1 триллион сўмга етди. Бу аввалги йилларга қараганда 1,6 баробар кўп демак. Сўнгги уч йилда 1300 дан ортиқ даволаш муассасасида қурилиш-таъмир-лаш ишлари бажарилиб, 2019 йилнинг ўзида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi замонавий ва юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу оддий рақамлар эмас.

Атрофдаги янгила-нишларни ҳар би-римиз кўриб туриб-миз. Ўзгаришлар кўлами кенг. Лекин соғлигимизни сақлашга берилаёт-ган эътиборга му-носиб бўляпмизми?

Аксариятимиз қимматбаҳо маши-на, телефон, кий-им-кечак, тиллою нодир буюмларга ўчмиз. Тўй, “гап”, зиёфатларда наф-ни тиймаймиз. Ко-ринни тўйдириб, ёнбошлаб узоқ муддат телевизор кўра-миз. Бундан “ибрат” ола-ётган болаларимиз ҳам фақат телефон билан андармон. Бун-дай носоғлом турмуш тарзидан кейин дарда қалинмас-лик мумкинми? Фикри-мизча, саломатлигимизда юзага келаётган муаммо-ларнинг асосий сабаби шу — ўзимизга бефарқ-лигимиз. Бунинг ўрни-га кечки овқатдан кейин сайр қилишни, бўш вақт-ларда спортта боришни донишманд ажлодлари-миз доимо тавсия қилиб келишган. Бунга амал қи-лиш учун эса онг ва идрок керак.

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ўғитларини эса олайлик: “Мен ўзимдан сўнг тўртта табибни қолдирдим. Булар — қуёш, тоза ҳаво, сув ва баландтарбия”. Шундай экан, саломатлигимиз кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ эканини яхши билсак-да, турмуш тарзига амал қилишга худди бошқалар учун-дек юзаки қарашимизни тушу-ниш қийин.

Президентимиз жо-рий йил 25 февраль куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлан-тириш, тиббий хизмат сифатини ошириш

бўйича галдаги муҳим вазифа-лар муҳокамасига бағишлаб ўт-казган йиғилишида энди эскича услубда қолиб кетган тиббиёт коллежлари ўрнида Ибн Сино мактаблари ташкил этилишини таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг кела-жagini соғлом ва баркамол ав-лод қуради.

Ибн Сино айтади: “Бир ҳаф-тада бир марта ҳаммомга бори-нг, дардлардан фориғ бўласиз”. Ёки

“**Ҳақиқатдан ҳам, жойларда имти-ёзли беморларга республикада мавжуд 16 та ихтисослаштирилган марказларга бюджет ҳисобидан йўлланма беришда муаммолар бо-лалаб кетган. Масалан, ордер бериш ҳуқуқига эга тиббий танлов комисси-яси таркиби фақат шифокорлардан иборат. Унинг раислари — вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош-лиқларига ижтимоий адолатни бузи-шига сабаб бўлувчи “қўнғирок”лар бўладики, уларнинг бу “илтимос”ла-рини бажармай илжи йўқ.**”

“Ўз вақтида, метёри билан ба-дантарбия қилган оламга дард яқин йўламайди”. Бу сўзлардан тегишли хулоса чиқариш, улар-



ни ҳаёт тарзимизга айлантириш фурсати ашлақачон етган. Давлатимиз раҳбари ташаб-буси билан ташкил этиладиган Ибн Сино мактабларида дарс ва амалиётлар замон талаблари асосида ўтилади. Энг муҳими, уларда улуг ажлодимизнинг тиб илмига оид қарашлари, тавсия-ларидан ҳам янада чуқурроқ са-боқ бериш йўлга қўйилади. Зеро, ҳозиргача аҳвол ҳаминқадар эканлиги аён. Айрим коллежни битирган тиббиёт ҳамширалари ҳатто беморга нина санчишни ҳам урда ололмайди.

Президентимиз йиғилишида юртдошларимизни қийнаб ке-

лаётган энг оғриқли нуқта — ор-дер беришда ижтимоий адолат ўрнатиш масаласига тўхталиш. Бу борада очкиқлини таъмин-лаш муҳимлигини қайд этиди.

Ҳақиқатан ҳам, жойларда имтиёзли беморларга республика-да мавжуд 16 та ихтисослашти-рилган марказларга бюджет ҳисобидан йўлланма беришда муаммолар бола-лаб кетган. Ма-салан, ордер бериш ҳуқуқига эга тиббий танлов комиссияси таркиби фақат шифокорлардан иборат. Унинг раислари — ви-лоят соғлиқни сақлаш бошқар-маси бошлиқларига ижтимоий адолатни бузишига сабаб бўлув-чи “қўнғирок”лар бўладики, уларнинг бу “илтимос”ларини бажармай илжи йўқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғ-лигини сақлаш масалалари кў-митасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида мазкур муаммо ҳам кўтарилди. Уни бартараф этиш бўйича тақлифлар ўртага ташланди. Бир муҳим тўхтамага келиндик, ордер ажратилишида алолатни ўрнатиш-нинг ягона йўли — бу борада электрон ти-зимни жорий этиш-дир. Бундан олдин эса тиббий танлов комис-сияси таркибига халқ вакиллари — Олий Мажлис ёки маҳаллий Кенгашлар депутатла-ри ва жамоатчиликдан аъзоларни киритиш зарур. Ана шунда ор-дер бериш йўнали-шида шаффофликни таъминлаш мумкин.

Бинобарин, биз, депутатлар ҳам аҳоли саломатлигига масъулмиз.

Президентимиз ҳар сафарги-дек қуюнчилик билан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш масалаларига тўхталишди. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Бу нафақат топшириқ, балки масъулиятни ошириш ва ишонч, аслида. Эндиги масала халқимиз ҳа-м дав-лат томонидан кўрсатила-ётган кенг қўламли ижти-моий гамхўрликни теран ҳис этиб, ўз саломатлиги йўлида тинмай ҳаракатда бўлишидир.

Шу ўринда ҳинд халқининг қуйидаги мақоли барчамиз учун ибратлидир: “Инсон ёшлиги-да пул топаман, деб соғлигини сарф қилади, кексалигида эса пул сарфлаб соғлиқ топаман дейди, аммо ҳали ҳеч ким буни урда ололмайди”.

Шундай экан, ҳар биримиз ўз соғлигимизга эътиборли бўлиш-ни, тўғри овқатланиш ва жисмо-ний фаолликни ҳаёт тарзимизга айлантирайлик. Зеро, бу борала йўқотанларимизни қайта топа олмастимиз мумкин.

Наврўз РИЗАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати





# Дарахтнинг ID картаси ёхуд она табиат муҳофазасида янгича қадам

**Э**кология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Шавкат Абдуразоқов ОАВ вакиллари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан учради. Унда қўмита раиси давлатимиз раҳбари томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

рининг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди. — Полигондаги чиқиндиларнинг таркибини ҳамда атроф-муҳитга келтираётган таъсирини ўрганиш ишларини янги босқичга олиб чиқишимиз шарт, — дейди Ш.Абдуразоқов. — Унинг атрофига хусусий чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналарни жалб қилган ҳолда бириктириб бериш ва бунинг натижасида чиқиндиларни қайта ишлаш орқали полигон кенгайишининг олдини олишимиз зарур. Бу борада инвесторларни жалб этиш бўйича бир нечта таклифларни кўриб чиқдик. Лекин бунинг аввало, ўзимиз бошласак мақсадга янада тезроқ эришамиз. Маҳаллий қайта ишлаш корхоналаримиз кам дейсизми? Биринчи навбатда ушларни жалб этиб, уларга шароит яратиб беришимиз керак. Бу ердаги ишлар кўзга

ташлана бошлагандан кейингина инвесторлар қизиқиши ортиб боради, уларда ишонч



уйғонади. Бундан ташқари, «Тоза ҳудуд» ва «Махсустрас» ДУКларни давлат-хусусий шерикчилик шартлари билан тарбиякорлик субъектларига бириктириб бериш ҳам яхши самара беради.

Шу билан бирга дарахтларни ноқонуний кесганлик учун масъулиятни, жарималар миқдорини ошириш, ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан қатъий жазо чораларини белгилаш давлат раҳбари томонидан қўйилган асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси мамлакатимиздаги барча дарахтларни ҳатловдан ўтказиш, уларни ID карталар билан белгилаш ҳамда уларга масъулларни аниқлаб бериш ташаббуси билан чиқди. — Тўғри, жараён мураккаб,

лекин уни амалга оширишимиз муҳим, — дейди Ш.Абдуразоқов. — Бунда чет эл тажрибасини ҳам ҳисобга олдик. Яъни давлатга тегишли ҳар бир дарахтнинг ID картаси бўлади. Мазкур талбир учун қўмита тизимидаги 300 нафар инспектор жалб этилиши ҳамда унда қатнашиш истагини билдирган барча ОАВ вакиллари, блогерлар иштирок этишини хоҳлардик. Бу ишлар маҳаллалар билан ҳамкорликда амалга оширилиши, ўйлайманки, самарасини бермасдан қолмайди.

Тадбир давомида ҳамкор ташкилотлар ва ОАВ вакиллари томонидан қатор таклифлар берилди. Жумладан, экологик таълимни ривожлантириш, экологик маданиятни ошириш, жамоат экологик назорати инспекторларининг фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, компенсацион тўловлардан тўшаётган маблағлар сарфланишининг шаффофлигини таъминлаш ҳалол ишлашнинг тамал тоши бўлади. Жамоат экологик экспертизасини амалга оширишни, Ўзбекистонда АЭС қурилиши муносабати билан жамоат эшитувини ташкил этиш, дарахтларнинг ноқонуний кесилишига барҳам бериш, жавобгарликни ҳамда жарималар миқдорини ошириш бўйича берилган таклифлар мутасаддилар томонидан қайд қилиб борилди.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,  
«Жамият» мухбири

Шунинг учун ҳам соҳалаги мавжуд муаммолар юзасидан жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари фикрини ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ҳамда унга мувофиқ равишда стратегияни ишлаб чиқишда барча таклифлар эътиборга олинсини айтиб ўтди.

Тадбирда чиқиндилар билан боғлиқ тизим етарли даражада ишламаётганлигига урғу берилди. Таъкидланишича, Оҳангарон туманида жойлашган Тошкент шаҳар маиший чиқинди полигонидagi ҳолатни жойига чиқиб ўрганилганда у ердаги санитар ҳолат қониқарсиз эканлиги аён бўлди. Шунинг учун ҳам ху-

— Айнан ОАВ вакиллари учун алоҳида йиғилиш ўтказаятганимизнинг ўзига хос сабаблари бор, — дейди Шавкат Абдуразоқов. — Бу соҳа вакиллари, тан олишимиз керакки, халққа биздан кўра яқинроқ. Бизнинг назаримиздан четда қолган ҳудудлар, муаммолардан сизлар кўпроқ хабардор бўласиз. Шунинг учун ҳам бугун соҳада амалга оширишимиз керак бўлган ишлар юзасидан барча фикр ва мулоҳазаларингизни қабул қиламиз.



дудда ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъси-

га шароит яратиб беришимиз керак. Бу ердаги ишлар кўзга

**Акмал Азизов Тошкент шаҳрида туғилган, оилали, 2 нафар воёга етмаган фарзанди бор. Суднинг қора курсисига қайта-қайта ўтиравериб, дийдаси қотиб кетган юртдошимиз бу сафар Жиноят Кодексининг 267-моддаси 1-қисми билан айбланди.**

## Маст бўлиб,

# машина бошқарган шоввоз

2019 йил 9 ноябрь куни кечга яқин спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда йўлга чиқади. Яққасарой тумани Боғибустон кўчаси бўйлаб кетаётганда қаровсиз қолдирилган Абдулла Раҳматовга тегишли «Спарк» автомобилига ўтиради. Қараса, калит ҳам жойида. Мастлиги куч берадими, машинани ўт олдириб, уйи томон ҳайдаб кетади. Йўлда бирор ноҳуш ҳолатга дуч келмаганини ёки бирорта йўл патруль хизмати ходимларига рўпара бўлмасдан манзилгача етиб олганини кўриниб бугун шоввознинг.

олиб қочганини билгандан кейин маҳаллалоши Х.Алимов бу ишларга аралашмаслигини айтиб, тушиб кетаётганда уларни ИИБ ходимлари қўлга олган. Суд жараёнида барча айбига иқроф бўлган айбланувчи озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо таъинлашни сўради.

Жабранувчи А.Раҳматовнинг кўрсатмаларига кўра, унинг ишхонаси ўша автомобиль олиб қочилган жойда экан. Автомобилни пулты орқали қўллаган. Биласизки, бунда эшик ва ойналар автоматик тарзда ёпилади. Бунга ишонч ҳосил қилиб, ишхонасига бемалол кириб кетган. Айнан пулты орқали очи-



либ-ёпилгани учун калитни қолдириб кетаверган. Ишанчиқиб, автомобили жойида йўқлигини кўриб, «102» рақамга хабар қилган.

Автомобилига GPS ўрнатилгани сабабли тезда унга етиб олишган ИИБ ходимлари ишларини яқунлайди. А.Раҳматов айбланувчига нисба-

тан шахсий адовати бўлмагани, қолаверса, автомобилига шикаст етмаганини ҳисобга олиб, унга енгилроқ жазо берилишини сўради.

Дастлабки тергов органи томонидан А.Ахмановнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 1-қисми билан транспорт воситасини олиб қочишда ифодаланган жиноий аломатлари билан тўғри квалификация қилинган.

Суд судланувчи А.Азизовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда содир этилган жиноятнинг ҳусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишининг сабабларини инобатга олиб, жиноятни

### Суд очерки

маст ҳолатда содир этганлиги айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб, аммо айбига иқроғлиги ва қилмишидан пушаймонлиги, судланганлик ҳолати тугаллангани, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши, қарамоғида 2 нафар воёга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи экани, жабранувчининг моддий даввоси йўқлиги ва уни кечиргани айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилди. Мазкур енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, судланувчи А.Азизовга ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдоридан ҳам камроғини тайинлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

А.Азизовга 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Қамлоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилди.

Тимур КАСИМОВ,  
Тошкент шаҳар Яққасарой туман суди судьяси



Ўзбекистонда бадминтон спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.



Биринчи марта катта дошқозоннинг атрофида йиғилиб, қандайдир таомни узун чўпдастали капгирлар билан кўзгаётган аёлларни кўрганимда (у пайтлар ҳали мактабга чиқмагандим) ҳайратда қолганман. Улар тинимсиз бир хил ҳаракатни қайтарар ва атрофдагилар кўшиқ ёки шеър айтиб, бир-бирини зериктирмай ўтирадди. Ҳар замон-ҳар замон ўтин кўтарган эркаклар келишарди. Бир пайт аравада ўтин олиб кетаётган отамга кўзим тушди-ю, киши билан ўтинимиз камлигидан совқотиб чиққанимизни эслаб, отамнинг бу тадбирига ҳайрон қолдим...

Ўшанда нима савол-жавоб бўлганини аниқ эслолмайман-у, лекин ўша йил биринчи марта Наврўз деган байрам борлиги, сумалак пиширилган овулда барака бўлишини билиб олганман. Кейинчалик сумалак пиширишда кўп қатнашдим, лекин биринчисидек эмас, чунки ўша юлпунгина яшаган одамларнинг йўқни йўндириб сумалак пиширгани бир умрга ёдимда қолган.

Улар бу таом тайёрлашдаги ҳар бир ишни чин дилдан амалга оширарди. Сумалак кўзгаганда элга тинчлик-осойишталик, яна нима орзулари бўлса, айтишар, менга ҳам “ўғлим, тила тилагингни”, деб кўйишарди.

Наврўз, сумалак ҳақидаги афсоналарни ўшанда биринчи марта эшитганман ва ишонганман. Ҳозир ўзимча улғайиб, китоблар титиб, ҳаётга кўникиб, ҳар хил ирим-сиримларни ёлгон-яшиқ гапларга йўйишим мумкин. Лекин ўша дошқозон атрофидаги содда ва самимий инсонларни худди шу афсоналар эзгуликка етаклаб, уларнинг ҳаётига маъни киритиб турганини ўйласам, ҳозирги техника асрида одамийликни сақлаб қоладиган нарсаси бу — миллий анъаналар эмасмикин деб ўйлаб қоламан.

Уч минг йилдан зиёд тарихга эга

**Шу кунларда баҳорги экин-тикин ишлари, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш авжида. Зеро, Наврўз яқинлашиши билан одамлар қалбида ҳам яшариш, янгиланиш ҳукм сура бошлайди. Бекобод туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ҳам ўз ҳудудларида Наврўз олди ободончилик ишларини бошлаб юборган.**

# Йўқни йўндирган байрам

Бўлган Наврўз — шарқона янги йилга бугун ҳам юртимиз бўйлаб катта таралдул кўрилоқда. Бунинг исботини қишлоғу шаҳарда учратиш мумкин. Айниқса, табиатнинг тайёргарлик кўришини айтмайсизми?! Бодомдан тортиб ўриккача чаппар уриб туллаган дарахлар дилни беҳад равшан этмоқда!

Наврўз яқинлашиб, миллий таомлар пиширила бошларкан, бу байрамга алоқадор таомларнинг афсоналари яна тилга олинади. Оддийгина сумалакка солинадиган тош ёки ёнғоқнинг ўзи ҳам бир дунё таърифлар билан боғланган. Биринчи марта сумалакдан тош топганимда онам “буни уйда сақлаш керак, шунда уйга ўғри тушмайди”, деган. Кейин ўзимча қаҳрамонга айланиб, тошни сандиққа солганман-у, бир йил

Наврўз яқинлашиб, миллий таомлар пиширила бошларкан, бу байрамга алоқадор таомларнинг афсоналари яна тилга олинади. Оддийгина сумалакка солинадиган тош ёки ёнғоқнинг ўзи ҳам бир дунё таърифлар билан боғланган. Биринчи марта сумалакдан тош топганимда онам “буни уйда сақлаш керак, шунда уйга ўғри тушмайди”, деган. Кейин ўзимча қаҳрамонга айланиб, тошни сандиққа солганман-у, бир йил оиламизнинг ҳимоячига айланганман.

оиламизнинг ҳимоячига айланганман.

Бу таомнинг яна бир хислати, у яхшигина мусаввир ҳам. Нега дейсизми? Сумалакни сузиш учун очганда, у кутилмаган расм тайёрлаб кўяди. Қандайдир куш ёки бошқа хайрли сурат.

Битталаб айтадиган бўлсак, бу қадриятнинг таърифини том-том китобга ҳам сиедириш қийин. Чунки шу эл яралибдики, унинг кунни билан туни тенглашадиган, яъни осмон билан ерни

тартибга соладиган — Наврўзи бор. У билан боғлиқ анъаналарнинг эса сон-саногии йўқ. Бу байрам динидан қатъий назар нишонланаверади. Демак, унинг илдизи инсоният тамаддуни билан боғлиқ. У токи шу халқ ва эл-улус бор экан, бундан кейин ҳам давом этади.

Баязида боболаримизу момоларимиз сумалак пишмаган йил ёки Наврўзсиз келган баҳор, деган иборалар билан ўтмишни эслаб қолишади. Аммо бунда ҳам қон билан кирган жон билан чиқади, дегандек, қанча қаршиликлар кўрсатилишига қарамай халқ ўзлигини ва ўз урф-одатларини унутмаслигига, улар вазият туғилди дегунча, байрамларини миллий таомларини қайта тиклашига амин бўлаемиз.

Шундай экан, бу байрам оддий байрам эмас, балки халқимизнинг тарихи, фалсафаси, тушунча тасаввурлари, қадриятларини ўзида мужассам этган, миллат билан яшаб, миллат билан бирга тараққийлашадиган байрам. У ҳар бир улғайиб келаётган авлоднинг кўз қорачиғида қуёш янглиғ порлаб туради. Бу байрам одамлар орасидаги гина-қудурат унутилишига, аҳил-иноқ бўлишига хизмат қилиб, она заминимизга яхшилик уруғини қадайдеради.

Айни дамда, бу байрамга катта эътибор қаратилиб, Юртбошимизнинг Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир қарорига мувофиқ умумхалқ ҳашарлари-ю, талбирлар авж олган. Кимдир ўз қишлоғини ободонлаштираётган бўлса, бошқалар шаҳарда ўтадиган байрам учун истироҳат боғларини ҳозирламоқда. Ҳар бир фуқаро ўзининг касбидан келиб чиқиб, янгиланиш, яшариш байрамига ўз ҳиссасини кўшиш билан банд.

Бегали ЭШОНҚУЛОВ,  
«Жамият» мухбири



## Баҳорга ободлик ярашгай

Президентимизнинг Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир қароридан руҳланган ҳолда айни кунларда кенг қамровли ободончилик ишларини йўлга қўйганмиз. Туман маркази Зафар шаҳарчасининг марказий кўчаларига замонавий ёриткичлар ўрнатилди. Кўча ва йўл четларига турли анвойи гул кўчатлари ўтказилди. Ҳозирда ҳудудимиздаги 2,5 сотихли жойда 5 минг дона гул кўчатига эга бўлган иссиқхона мавжуд. Бу ерда атиргул ва мингта яқин манзарали дарахт қаламчалари етиштирилоқда.

Туманимиздаги мавжуд қабристон-



ларни тозалаш, обод қилиш сингари ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Қабристонларга 1000 дондан зиёд арча кўчати ўтказилди. Айни дамда яна 2085 дона арча кўчати олиб

келинди. Қабристонлар атрофини ўраш, ободонлаштириш ишлари жадал давом эттириляпти.

Зафар шаҳарчаси худудилан бир ектар ер ажратилиб берилди. Эндиликда бу жойда доимий равишда дарахт ва гул кўчатларининг қаламчалари етиштирилади. Аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, турли хил гул кўчатларини етказиб берамиз. Зеро, обод ва гўзал дийримизга ҳамisha ободлик, гўзаллик ярашади.

Соибжон НУРМАТОВ,  
Бекобод туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи



Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳузурда давлат муассасаси шаклидаги замонавий санъат маркази ташкил этилди.



# “Биз овқат қилдимизу аёлларимиз раҳбар бўлиб, машиналарда юрдимми?”

**Хотиржам бўлинг,  
эркаклар, асло  
бундай бўлмайди**

Эркак ҳам, аёл ҳам тенг қилиб яратилди. Лекин одамлар инсонларни тенгсиз ҳолатга солувчи қонунларни ишлаб чиқди. Чунки одамлар алмисоқдан, азалдан тенгсизлик қонунларига мослашиб қолган. Бунинг сабаби эса ўзингизга маълум, ибтидоий одамлар давридан ҳам билсак бўладики, аёллар уй ишлари билан машғул бўлган. Эркаклар овга чиқиб, егулик топиб келган.

Бутун-чи? Ов ёки фақатгина деҳқончилик қилиб, оила боқадиган вақтлар аллақачон ўтиб кетди. Ақлий меҳнат орқали рўзгор тебратишининг ўша даврлардагига нисбатан осон йўллари яратилди. Мана шундай жамиятларда яратилган имкониятлардан фойдаланишда аёлларимиз бемалол эркакларга тенг бўла олади. Шунинг учун ҳам барча жамиятларда гендер тенглик масаласига чуқурроқ эътибор берилмоқда. Хўш, юртимизда бу қарашлар қай даражада? Айтилик, оилада ўз хоҳиши билан аёлга бирор юмушга кўмаклашган эркакнинг ҳуқуқи камситилган саналадими? Қайси ҳолларда аёлларга имтиёз берилиши керак, қайси ҳолатда эркакларга? Бу каби охири кўринмайдиган саволларга аниқ ва лўнда жавоб топиш осон эмас.

Шунинг учун ҳам ушбу муносабатларни тартибга солиш учун гендер тенглик тўғрисидаги қонунга эҳтиёж бор. 2019 йилнинг 23 августида “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”-ги қонунни Сенат маъқуллади. Унинг моҳияти билан яқинроқ танишиш мақсадида юридик фанлари доктори Лола Саидова билан суҳбатлашдик.

— Аёллар ва эркаклар тенглиги бугунги жамиятимизда жуда муҳим. Агар аёл иқтидорига кўра, раҳбар бўлишга лойиқ бўлса, у раҳбарликка аёл бўлгани учунгина олинмаётган бўлса, бу аёлга нисбатан ҳурматсизлик, яъни унинг имкониятларига нисбатан босим. Лекин баъзи эркакларда “нима, энди биз чўмич ушлаб овқат қилдимиз-у, хотинларимиз раҳбар бўлиб, машиналарда юрдимми?”, деган тушунча бор. Азиз эркакларимиз! Хотиржам бўлаверинг! Аёл раҳбар бўлиб машинада юрса ҳам уйга келиб овқатини пиширишни қанда қилмайди. Тўғри, нафс ортидан юриш инсонга хос ҳолат. Лекин раҳбарликка лойиқ кўрилган аёл рўзгориди ҳам, жамиятда ҳам, аввало ўзининг аёл эканини унутмайди.

— Лола опа, эркакларнинг оилада

устун бўлишига, уларнинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлиши халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бундай вазиятда гендер тенглигига эҳтиёж қанчалик муҳим?

— Албатта, муҳим. Гап шундаки, биз патриархат оиламиз. Бунинг биз шакллантирмаганмиз, аксинча, минг-минг йиллар давомида шундай. Инсоният ҳамма жойда бир хил яшайди. Барча давлатда ҳар бир оиланинг бошлиғи эркак ва гендер бунга қарши эмас. Бу оилада эркакнинг бошлиқлигига қарши ҳаракат эмас. Мақсад эркак эришолган чўққига аёл ҳам эришиши мумкинлигини аниқлаш, ҳолос. Энг камбағал аҳолининг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Оилада жисмоний меҳнатнинг катта қисми аёлнинг гарданида. Бу тенгликми? Оилада забардаст оила бошлиғи турса-да, у кучли хилқат деб нега аёлларнинг нозик елкаларига бундай оғир жисмоний меҳнатларни ташлаб қўйди.

Масалан, уйда сув туғаб қоладиган бўлса, чекка қишлоқдан аёллар олиб келади. Ёки бўлмаса, кичкина ўғил-қизлари олиб келади. Хизмат сафарлари давомида бундай ҳолатларга кўп бора гувоҳ бўлдим. Ёки оилада ўғил-қизингиз бўлса, албатта, ўғилгингизни ўқитасиз. Чунки эртага рўзгорга ёрдамчи, кексайганда кўмакчи деб. Қиз болани эса сизга фойда бермаслигини ўйлаб, эрга берасиз, қутуласиз. У эртага фарзанд тарбиялаши кераклигини ўйлаб ҳам кўрмайсиз!

Мақтабда зехни ўткир, аlochи қизларимиз олий маълумотли бўлмайди-да, “3” баҳога зўрга битирган бола эртага олийгоҳни тугатиб, амалдор бўлиб кетади. Хўш, аёлларимизга лавозим, амал ярашмайдимми?

— Аёл ва эркаклар нотенглиги мулкый муносабатларда ҳам кўзга ташланади. Бу борада қандай изох бера оласиз?

— Аёллардан кўра, эркаклар кўпроқ мулкдорлиги 4-5 баробар. Биргина оилада ҳам меросни ўғлимизга қолдираемиз, қизимизга эмас. Қиз уйдан кетади, мулкнинг бошқа хонадондан олади деймиз. Жуда кўп жанжал, оилаларнинг бузилиши ресурсларнинг тенг тақсимланмаганидан келиб чиқади. Нима учун аёллар ўқимишли бўлсин деямиз? Агар қиз бола ўқиса, бир соҳани эгаллаб, иш ҳақи оладиган бўлса, ўша оилада жанжал кам бўлади, мерос таллашиб жигарлари билан орасини бузмайди. Чунки ўзиниям ресурсга қурбн етади-да. Шунда у эрига ҳам қарам бўлиб қолмайди. Боқимандалик кайфияти устун бўлмайди. “Керак бўлса, боқадим”, деб уйда утирмайди. Ўз устиди ишлаб, жамиятга ва оиласига фойда олиб келади. Бу, ал-

батта, эркак учун ҳам қўлай. Ҳагто, оддий ҳунар эгаси бўлса ҳам.

Бир нарсани тан олишимиз керак, эркаклар шунчаки эгаллаб турган лавозимини бўшатиб бера олмайдди. Чунки табиатан эгаллик қилиш ҳисси қон-қонига синган. Шунинг учун ҳаракат қилишимизки, иқтидорли аёллар, ўқимишли қизларимиз бемалол имкониятларини ишлата олишсин. Ҳар қандай ишхонага борсангиз, аёл кўтариладиган даражада иқтидорли бўлса, эркак раҳбар уни йўқотишга ҳаракат қилади. Бу ҳақиқат (аксиома). Аёлни жуда кам кўтаришди.

Оила қуришдан олдин тенг муносабатларни шакллантириш керак. Ҳар бир оила қуришга отланган ёшлар ҳаёт тажрибасига эга бўлиши зарур. Бу эса катталарнинг

ота-оналари томонидан жазоланган.!

— Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари жуда кўп учрамоқда...

— Зўравонлик бу аёл устидан босим ўтказиш. Энди бу камситиш эмас, жисмоний равишда таҳқирлаш, уриш унинг соғлиғига зарар етказиш, майиб қилишгача бориб етмоқда. Рухий зўравонлик, доим ота-онани “йўқлаш”. Аёл кийиб бундай гапларни эшитавериб, руҳи чўкиб бораверади. Фақат эридан эмас, уйдаги яқинлари ҳам уни пастга урaversа, аёл сўнади. Босим остиди яшайди. Иқтисодий босимни айтмасак ҳам бўлади. Бирор жойда ишламаса, турмуш ўртоғидан пул сўраса, бермаса... Ахир аёлнинг ўзига яраша харажатлари бор.

Афсуски, зўравонликка аёлларимиз ҳар кун, ҳар қандай жойларда дуч келиши мумкин. Оилавий зўравонликда уриш, бир-бирини ўлдириб қўйиш, зугумга чидаёлмаган келин, керак бўлса, фарзандини ўлдиришгача бораётгани бутун ҳеч биримизга сир эмас. Аёллар кўпроқ калтак ейтиди. Эркакларнинг билагига куч кўпроқ бўлади. “Аёлларнинг тили ёмон”, деб эркаклар ўзини овулади. Лекин ўша тилни шу даражага чиқиши учун қанча зўравонлик қилинган, қанчалик камситилган бўлиши мумкин. Ҳаммасини ҳисобга олиш, аввало, масаланинг моҳиятини қидириш керак.

Аёл яхши кунда ажрашмайди. Пичоқ суякка бориб қадалсагина, шундай қарор қилади. Чунки оила деб аталган кичкинагина жамиятни бузиш аёлга хос иш эмас. Тўғри, баъзи аёллар бундан мустасно ҳам эмас. Аммо аксариятининг сабаби тенгсизликдан келиб чиқади. Аёл том маънода бунёдкор. У оила яратади. Фарзандлар дунёга келтиради. Шундай бунёдкор одамни бадном қилиш мутлақо мумкин эмас.

Боласи билан кўчаларда, бирор жойда яшириниб юрган аёллар қанча. Шунинг учун давлатимиз гажмўрлик қилиб, бу сибсатта тўғри баҳо берилиб, Ўзбекистонда 180 дан ошиқ уйлар, реабилитация марказлари очилди. Ушбу марказлар аёлларни тушқунликдаги руҳий депрессия ҳолати билан қабул қилади. Чунки у кўрқувда яшашапти.

Жамият ривожланишида аёлларнинг ўрни катта. Ислоҳотлар ҳеч қачон олга юрмайди, агар унинг ичиди аёл фаол бўлмаса. Зеро, янгилек яратиш аёлнинг табиатига хос. Бунинг халқимиз ҳам англаб етиши шубҳасиз. Шу кунларда республикамизнинг бир нечта туманларига аёл ҳокимларнинг тайинланаётгани ҳам бу нозик хилқат эгаларига кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг улкан намунасидир.

Жамият мухбири  
Гулҳаё ХУСАНОВА  
суҳбатлашди.



**“Аёл яхши кунда ажрашмайди. Пичоқ суякка бориб қадалсагина, шундай қарор қилади. Чунки оила деб аталган кичкинагина жамиятни бузиш аёлга хос иш эмас. Тўғри, баъзи аёллар бундан мустасно ҳам эмас. Аммо аксариятининг сабаби тенгсизликдан келиб чиқади. Аёл том маънода бунёдкор. У оила яратади. Фарзандлар дунёга келтиради. Шундай бунёдкор одамни бадном қилиш мутлақо мумкин эмас.”**

вазифаси. 18 ёшли йигит-қиз бундай муносабатларга маънавий жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам тайёр бўлмайди. Бундан уларнинг болалари азият чекади, ҳолос. Айбсиз болалар масъулиятини ёш ота-оналар қанчалик сезади, деб ўйлайсиз? Очик айтиш керакки, бу борадаги кўрсаткичларимиз жуда паст. Ўзбекистонда меҳрибонлик уйдаги аксарият болаларнинг ота-оналари бор. Бунинг сабаби юқориди айтганимиздай аёлларнинг келишолмаслиғи, ҳаёт тажрибаси йўқлигида. Хотиннинг эрига гўл қайтариши, эрининг эса “менинг айтганим-айтган, деганим-деган...”, қабилидаги фикрда бўлишида. Тасаввур қилиш қийин, лекин улар ўша етимхонага ташлаб кетган фарзандини, жигарининг парчасини жамиятга кераксиз деб ўйлаган. Болалар яшаётгани учун, борлиги учун жазоланган. Албатта,



Бошланғич таълимга мажбурий бепул 1 йиллик тайёрлаш тизими жорий этилади.







## "Нексия" нархи 1 млрд сўм бўлишига ҳам розиман, фақат...

Бу ерда монополиянинг ёмонлиги ҳақида узундан-узун пост ёхуд газаб, нафрат ва кинояга тўла «дил изҳорлари» бўлиши мумкин эди. Аммо у бўлмади. Чунки бу бейфойда. Шунчаки ҳеч қанақа фойдаси йўқ.

Ярамас монополия ёмонлиги эса, ҳар куни қуёш чиқиши каби исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Аслида бозор шароитларидан келиб чиқиб, бирор талабгор машина ёки бошқа

маҳсулотнинг нархи ошиши мумкин, бунақаси учраб туради. Аммо гап нархнинг ошиши ёки ошмаслиги эмас, гап халқ ўзи ёқтирмаган, ўзи хоҳламаган ва ўзи танламаган машинани сотиб олишга мажбурлигида. Ёки

тескариси халқ ўзи ёқтирган, ўзи хоҳлаган ва ўзи танлаган



## Кузатувчи-давлат мақоми тўғрисида

Ўзбекистон ҳукумати Евроосиё иқтисодий иттифоқига кузатувчи-давлат сифатида қўшилишига қарор қилди.

Биринчидан, Ўзбекистон эртагаёқ кузатувчи-давлат мақоми олмайди. Ўзбекистон парламенти маъқуллагач, бу жараён ишга тушади. Ва Евроосиё иқтисодий иттифоқига расман мурожаат қилинади, таомилга кўра, уни аввал иттифоқ ишчи органи кўриб чиқади, сўнг расмий идоралар, сўнг олий органи кўриб чиқади, тегишли ҳужжат қабул қилинади. Ундан сўнг аъзо-давлатлар парламенти, шу жумладан, Ўзбекистон парламенти орқали бу ҳужжат тасдиқланиши керак. Хуллас, камида бир-икки йиллик иш.

Иккинчидан, кузатувчи-давлат мақоми Евроосиё иқтисодий иттифоқи расмий тадбирларида қатнашиш, улар билан доимий мулоқотда бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, иттифоқнинг барча ички ҳужжатлари билан танишиш мумкин. Бу мақом бир-бирига ҳам қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсата олмайди. Овоз бериш ҳуқуқисиз. Расман. Битта тарафи бор: кузатувчи-давлат иттифоқ манфаатларига зид келадиган хат-

ти-ҳаракатларидан тийилиши керак бўлади.

Учинчидан, назаримизда, кузатувчи-давлат мақоми аъзо бўлишдан олдинги жараён бўлса-да, айрим think-tank'лар ўрганишларини чуқурроқ тушуниш ва англаб етиш учун ҳам етарлича вақт ҳисобланади. Бу барибир тўсатдан аъзо бўлишдан кўра яхшироқ ва тўғрироқ қарор. Масалан, сўнгги икки-уч йил ичида Россиядаги сиёсий муҳит ўзгарса, кузатувчи сифатида узокроқ юришимиз мумкин бўлади.

P.S.: Ҳозирда Евроосиё иқтисодий иттифоқига Молдова Республикаси кузатувчи-давлат мақомига эга.

"davletov.uz"



машинани оддий бозор нархида сотиб ололмаглигида.

Асосий масала шунда. Бозорни эркин қилиб, халқ учун танлов имкониятини беринг-да, кейин истасангиз "Нексия" учун 1 млрд сўм нарх кўйинг, бизга фарқи йўқ. Биров гинг демайди. Шикоят ҳам қилмайди. Норози ҳам бўлмайди.

Афсуски ҳали-бери бунақа бўлмайди. Ҳали-бери...

P.S.: *автотирбало номли "фонсиз (ёки арзон) кредит берамиз" дейдиган фирмаларнинг яна куни туғди, одамлар таваккал қилиб, шуларга ишониб кўришга мажбур бўлади. Кейин эса яна халқнинг ўзини соддаликда айблаб бонг урамиз. Ажойиб.*

"xushnudbek.uz"

## Ўзбек халқи 92 уруғдан ташкил топган деймиз. Шулардан энг кўп тарқалгани қайсылар ва нега?

Ўзбек халқининг 92 қабиласи — хонликлар даврига хос атрибут. Учта хонлик шу қабиалар томонидан тузилган; уч хонликнинг ҳам асосий аҳолиси шу қабиалар ташкил қилган. Сиёсий маъқега эга бу қабиалар энг яхши ерларни, яхши сиёсий позицияларни эгаллаган, табиий кўпайишдан ташқари, бошқаларни ўз таркибига қўшиб олган ва шу тарихқа кўпайиб, кенгайиб борган. Охириги 300-400 йилда қайси қабиаларнинг маъқеи,



сиёсий ҳаётдаги ўрни юқори бўлган бўлса, ушларнинг сони кўп. Биринчи ўринда, табиийки, манғитлар туради. Бугунги кунда бир миллион атрофида манғит бор. Иккинчи ўринда кўнғиротлар туради. Кейинги ўринларда минглар, юзлар, қирқлар, саройлар, найманлар, турклар туради. Қолган қабиалар сон жиҳатдан булардан анча ортда қолади.

"Асанов формати"

## Табақаланиш... мактабдан бошлангани маъқул!

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаригача мактабларда бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқат берилган. Ўтиш даври таъсирими, кейинчалик бу тартиб бекор қилинди. Шу-шу, буфетлар савдоси авж олиб кетди.

Бугун собиқ иттифоқ ҳудудидаги айрим давлатлар яна ўша тизимни қайта тиклашапти. Масалан, яқинда Россия Президенти 1-4 синф ўқувчиларини 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат томонидан бепул иссиқ овқат билан таъминлашга доир қонунни имзолади.

Биз ҳам Россиядан андоза олайлик, демоқчимасмиз. Шунчаки, худди шундай таъминот тизими қайта тикланса, қайси жиҳатлари билан фойдали бўлиши мумкин эди, деб мулоҳаза қилмоқчимиз, холос. Чунки ҳозирги имкониятимиз 25-30 йил олдингидан анча фарқ қилади. Демак, бугун ушбу масалани кун тартибига олиб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Хуллас, аввалги тизимнинг афзал томони, болалар учун бир хил шароит ва имконият яратилганди. Егуликлар сифатини назорат қилиш мумкин бўларди. Қолаверса, бу қўли калтароқ оилалар учун ҳам бир ёрдам эди. Ижтимоий тенглик таъминланарди.

Ҳозир мактабларда аксарият ўқувчилар уйдан овқат олиб келади. Узинга тўқ оила боласи, табиийки, зўр таом, оддийроқ оила фарзанди эса оддийроқ овқат... Кейин бир стол атрофида овқатланишадди. Камбағалнинг боласи бойнинг боласи еяётган овқатни кўриб, ичидан ўксинмайдди.

дейсизми? Кўряписизми, бу табақаланишга йўл очяпти.

Бошқа тарафи ҳам бор. Уйдан егулик келтирмайдиган болалар буфетдан булочка, сомса, яна алламбалолар сотиб олишади. Гарчи таълим мутасаддилари буфет ва ошхоналар доимий назоратда дейишса-да, ҳали сифат масаласи талаб даражасига чиқди, деб айтолмаймиз. Боз устига, бугун сотилмай қўлиб кетган маҳсулотлар эртага яна сотилмаслигига ким кафолат бера олади? Қисқаси, шунинг учун бир хил таъминотга эҳтиёж катта бугун.

Баъзан ҳайрон қоласан киши. Шунча депутаты сенаторларимиз, Халқ таълими вазирлигида қанчалар-қанча мутахассис бор. Нимага улар шундай муҳим масалаларни кун тартибига дангал кўтариб чиқмайди? Нега таҳлиллар билан асослаб бермайди? Йўқ, улар газ ёки цветни улатиб бергани, одамлар орасига чуқууууууу кириб боргани билан мақтанади, холос. Шунда ҳам аксарияти хўжақўрсин учун...

Ўтган ҳафта Президентимиз йиғилиш қилиб, халқ таълими тизимидаги вазифаларни муҳокама қилди. Тафсилотини кўрдик, ўқидик. Лекин на халқ таълими вазирини, на бошқаси бу масалани тақлиф сифатида билдирмади. Ахир, давлат раҳбари тақлиф беринглар, деб кутяпти-ку. Барака топгурлар, бир марта юрак ютиб, шундай масалани кўтариб чиқинг. Ана шунда ҳақиқий халқ вакили, бир соҳа мутасаддиси сифатида халқни рози қилган бўласиз.

"Platforma.uz"



ҚИСҚА САТРАЛДАРДА ЎҚИНГ!

Эндиликда судларда ишлар автоматлаштирилган тизим орқали тақсимланади.



Уят бизда бор, лекин унинг қиймати, қадри йўқ. Эгизакларини елим халтада ташлаб юборган қиз нега шундай қилди? Жамиятдан, одамлардан уялгани учун. Лекин ўзидан, икки нафар бегуноҳ боладан уялмайди. Бунга ким сабабчи? Яна ўша жамият, ота-она, муҳит айбдор. Уят, уят, уят деяверганимиз учун қизлар ҳомиладор бўлиб қолса, бошқаларнинг олдида шарманда бўлмаслик учун болаларини ҳожатхонага ташлайди, туғиб ахлатхонага ташлаб кетади, ёки бирваракайига эгиз фарзандни елим халтага солиб ташлайди. Одамлар кўрмаса бўлди, шарманда бўлмаса бўлди.

# “Уят бўлади” билан иш битмайди



ишлатилмайди. Уларда уятдан ҳам кўра гуманизм яъни инсонийлик гоёлари биринчи ўринда туради. Уят сўзи ишлатилмайди, лекин аёллар ҳеч қачон деярли боласидан мана шундай жирканч аҳволда воз кечмайди. Хорижликларнинг уяти бўлмаса ҳам ИНСОНИЙЛИГИ бор. Ҳар бир ишни соғлом ақл билан қилади. Ҳомиладор бўлиб қолди, туғади, туққиси келмаса, ҳомиладорликдан сақланади, лекин бу дегани уларнинг ҳаммаси эрсиз туғади ёки дуч келган билан бўлаверди дегани эмас. Севса яшайди, сева яқинлик қилади, яқинлик қилдими туғади.

Ҳар ҳолда бегуноҳ, чорасиз болани туғиб бўғиб ўлдирмайди. Бизда уят деган гап ишлатилади одамлар кўзига, жамият кўзига ибодил, ҳаёли бўлиб кўриниш биринчи ўринда, лекин ички инсонийлик, виждондан уялиш деган нарсалар умуман тарбияланмайди. Бунга оиладаги муҳит сабабчи. Қизларга уят бўлади, ибодил бўл дей-

миз, лекин ИНСОН бўлиш керак деб ўргатмаймиз. Қалбида уятдан ҳам кўра инсонийлиги бўлган қизлар ҳеч қандай ёмонликка қодир бўлмайди. Қизларимиз олдида ёшлигидан катта мақсадлар қўймаймиз. Оналаримиз латта путтага ўч, эртароқ қизини яхшироқ жойга эрга берса, бўлди. Қизингизга эр ҳақида гапирмасангиз, фақат оилани миясига сингдирмасангиз эрсиз, оиласиз қолиб кетадигандек, гўё. Олдига катта мақсад қўйган қизлар мактаб давриданоқ йигитлар билан севишмайди, кўчада ҳаёли, ибодил кўриниб ички оламида фақат эр ёки йигит ҳақида ўйламайди.

Чекка қишлоқларнинг бирида бир қизни ака-укалари, отаси ҳатто коллежга жўнатмай қўяди, бузилиб кетади, деб. Лекин ўша қиз 30 га кирганда номусидан ажрайди. Ахир уят бўлади билан иш



битмайди. Бу қиз балки ўқиганида, уқ қорани кўрганида, олдинроқ турмушга чиққан ва номусидан ажрамаган бўлармиди? Ўттизга кирган, ўз ҳаётига аллақачон хўжайин бўлиши керак бўлган қиз чорасиз, ҳеч ким кўшмай қўйган, оқибатда ўзини ўлдираран, дейди... Нега? Чунки улар ҳаётнинг бошқа томони борлигини билмайдилар. Европа-

лашган оилаларда нимагадир қизлар ва йигитлар дўст бўлиб юрадилару, лекин муносабатга киришиб кетмайдилар, чунки уларнинг йигит ёки қиздан бошқа яна қизиқадиган нарсалари, хоббилари бор. Муסיқага қизиқди, санъатга қизиқди, карерага қизиқди. Болаларда у қизми, ўғилми ИНСОНИЙЛИКНИ тарбиялаш керак. Уят деган сўзнинг мутлақо қадри йўқ. Самарқанд кўчаларида бир миллион сўм учун яланғоч бўлиб чопган эркаклар савол-жавоб қилинаётганда, юзини тўсди, нега уялди? Уларда уят бормиди? Йўқ, мутлақо йўқ! Агар уят бўлганида, пул учун яланғоч кўчада югурмасди. Унда нега юзини тўсди, шунчаки жамиятдан, одамлардан уялди. Ўзидан уялмайди, виждони қийналмайди, булар ҳам худди шундайлар тоифасидан — қилаётган қабиҳлиги омма орасига чиқмаса бўлди. Мана шундай халқимиз, ҳеч ким кўрмаса, ҳар қандай қабиҳ иш қилишдан тоймаймиз. Одамлар кўриб қолмаса бўлди. Энг қабиҳ ишни қилиб одамлар орасида ҳеч нарса бўлмагандай яшайверамиз, зарра виждонимиз қийналмайди. Билмадим биз ҳозир билганларимиз шу, яна биз билганимиз, орамизда шундай ишларни қилиб лекин ҳеч ким билмагани учун шарманда бўлмаганидан хурсанд яшаётганлар қанча.

Баъзида писмиқ ва кўрқоқмиз, инсонийлик ва виждони тарбияланмайдиган худбинимизми деб ўйлаб қоламиз.

*P/S Фарзандингиз ёшлигидан ҳайвонни севиб улгайсин, мушукнинг боласини авайлаган, кучуқнинг боласини қийнамасликка УРГАТИЛГАН болалар катта бўлганда мана шундай қабиҳ ишларга қўли бормайди. Ахлатхонага ташлаб кетилган болани кучоғида соғуқдан сақлаган кучук ёки мушук бунга мисол. Булар бир-бири билан узвий боғлиқ нарсалар. Инсонларнинг инсонийлиги аввало, ҳайвонларга муносабатида билинади, бу энди алоҳида мавзу....*

Барно СУЛТОНОВА



Хорижда ме-  
нимча УЯТ  
деган сўз

## “SURXON RIELTOR SERVIS” МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2020 йил 7 апрель куни соат 11:00 да Термиз шаҳри С.Оллоҳер кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига **ТЕРМИЗ “МАРКАЗИЙ ДЕХҚОН (ОЗИҚ-ОВҚАТ) БОЗОРИ” МЧЖ**га қарашли бўлган Термиз шаҳар Ҳаким Ат-Термизий шох кўчаси № 28 манзилгоҳида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 31431,21 кв.м бўлган бино ва иншоотларни бузиб олиш шарти билан мажмуа ҳолида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси: 5 263 294 147 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2020 йил 7 апрель кундан аукцион бошланишидан 2 (икки) соат олин ариза қабул қилиш тўхтатилишини маълум қиламиз.

Оқоридаги мулклар 2020 йил 7 апрель куни аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзоланган бош торгас, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини

бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2020 йил 22 апрель, 7, 22 май, 8, 23 июнь 8, 23 июль 7, 24 август, кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдола иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан **ТЕРМИЗ “МАРКАЗИЙ ДЕХҚОН (ОЗИҚ-ОВҚАТ) БОЗОРИ” МЧЖ**нинг масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагани билдирган жисмоний ва юридик шахслар закат келишуви тузилганидан кейин объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорда **“SURXON RIELTOR SERVIS” МЧЖ**нинг ХАБ “Траст банк” Термиз филиалидаги (МФО,01063. ИНН:304558702),

2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закат пули тўлашлари ва закат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Мурожаат учун манзил:  
**“SURXON RIELTOR SERVIS” МЧЖ** Термиз шаҳри С.Оллоҳер кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83,  
Хизматлар лицензияланган.  
Лицензия RR -0291.

## “RESPUBLIKA ЭЪЛОН MULK MARKAZI” МЧЖ

“Toshkent mintaqaviy filial” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

“OLMAZOR KICHIK SANOAT ZONASI” АЖнинг 2020 йил 3 февралдаги №5 сонли буйруқ ва 2020 йил 6 мартдаги № 4а/35 сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳар Олмазор тумани Янги Олмазор кўчаси 51-уй манзилида.

1. “ISUZU NP37” русумли давлат рақами 01/645 АВА бўлган 2010 йилда ишлаб чиқарилган техник савдо, бошланғич баҳоси: 81 870 751 сўм

2. “ГБАСПГ ISUZU NP37” русумли, давлат рақами 01/643 АВА бўлган 2010 йилда ишлаб чиқарилган техник савдо, бошланғич баҳоси: 83 383 156 сўм аукцион савдосига қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2020 йил 13 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати 2020 йил 10 апрель куни соат 16:00.

Автотранспорт воситаси 2020 йил 13 апрель куни сотилмаган

тақдирда такрорий савдолар 2020 йил 20, 27 апрель кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2020 йил 20 апрель савдолар учун 17 апрель соат 16:00; 27 апрель савдолар учун 24 апрель куни соат 16:00 да тўхтатилади. Савдола сотилиш баҳосидан 5% устига тўлаш шarti билан. Савдо голибига 2 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ХАТБ <<DAVR-BANK>> Бош Амалдорлар Бошқармасидаги ҳисоб-рақамга: 2260 4000 8005 7145 2003, МФО:00981, ИНН:200 933 850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-уй.

Тел: 71 233-49-31  
71 233-28-52.  
Расмий сайт. www.rmm.uz.  
Гувоҳнома: 001805




2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилинади.



# Таҳлил эмас, ажриба керак!

**Ш**арқ мутафаккирлари ўз асарларида билим ҳамда инсон ақлий тафаккури масаласига алоҳида ўрин берган. Абу Наср Форобий инсон томонидан борлиқни англаш табиат сирларини англашда илм-фаннинг ролини ҳал қилувчи омил сифатида баҳолайди. Алломанинг фикрича, инсон танаси, мийяси, сезги органлари у туғилгандан мавжуд бўлса, ақлий билими, маънавияти, руҳияти, интеллектуал ва ахлоқий сифатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти ташки олам, ижтимоий муҳит

таъсирида, одамлар билан ташкил этаётган муносабатлари жараёнида шаклланади.



Демоқчимизки, ота-оналар бола тарбиясида баб-баравар маъсулдор. Ота таъминотчи, она эса одоб-ахлоқ сифатларини шакллантирувчи омил саналади. Шундан сўнг, ота-оналар билан бир қаторда мактабга чиққанда муаллим ҳам жавобгар.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртини битириб келган ёш кадрларнинг кўпчилиги бутунги тизимни тушулмаган ҳолда ўзларида маъсулиятни тўлақонли муқассамаштирмаган. Ёш бола, ота-оналар психологиясини, ҳатто жамоада устоз-шогирд муносабатларига амал қилишини билмайди. Кўп йиллик малакали устозларнинг дарсларини кузатиб таҳлил қилишди. Аслида улар таҳлил қилиши эмас, ўзлари учун тажриба орттириши керак. Ҳадеб ўқитувчинини вақт қилавермасдан, ёш ота-оналаримизни ҳам мактабга, устозларга ва ўз фарзандига қандай муносабатда бўлиш кераклиги эса алоҳида масала...

Халқ таълими томонидан Президент қарорлари, буйруқлари билан ўқитувчилар мунтазам равишда таништирилиб унга амал қилишимиз назорат остида бўлади. Шундай қарорлар билан ота-оналар ҳам

таништирилса, улар учун махсус рисолалар тайёрланиб, шуларга амал қилишини тўғри йўлга қўйиш мумкин, деб ҳисоблайман. Ота-оналар мажлисида доим бир хил — аълочи ва яхши ўқийдиганларнинг ота-оналари келади. Баъзилари оиласини, эр-хотин можаросини баҳона қилиб ёки ажрашган оилалар маҳалла ёрдам бермаётганини баҳона қилади. Сабабсиз дарс қолдиришга, бир кунлик дарсда 5 ёки 6 соатлик мавзуларни муҳим санамай, болани қанча билимдан, тарбиядан маҳрум қилаётганини англаб етмайдиганлар қанча! Боланинг кераклик ҳамма нарсаси бор, кийими, ўқув қуроллари етарли. Лекин биргина овқатланиши учун ота-оналар керагидан ортиқ пул берадилар. Мактабдан ташқари пуллик тўғарақларга келганда эас фарзанд келажаги учунлигини билса-да, қизғонадилар. Ваҳоланки, мактабда ҳам бепул тўғарақлар мавжуд. Буларга чек қўйиш вақти келди, назаримда.

**Маҳмуда ҲАСАНОВА,**  
Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 126-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

# Шифокорни ҳақоратлаган жавобгарликка тортилади

**Н.Эргашев** Кува тумани “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 79-сонли ҚОП УАШ биносига кириб, у ерда ушбу поликлиника врачлари иш бўйича жабрланувчи **М.Ғуломовни** нима сабабдан турмуш ўртоғига йўллангани туман юқумли касалликлар шифохонасига эмас, балки туман туғуруқхонасига берганлигини айтиб, ҳамкасблари орасида ҳақорат қилади.

Судда аниқланган ҳолатларига кўра, жабрланувчи **М.Ғуломов** поликлиникада хизмат вазифасини бажараётганида **М.Эргашева** келиб, ҳомиладорликни рўйхатга олишдан аввал текширув учун қон таҳлили топширилади. Таҳлил натижаларига кўра, **М.Эргашева**да “гепатит-С” касаллиги аниқланади (оғир даражаси). Шундан сўнг шифокор хизмат вазифасидан келиб чиқиб, йўриқнома асосида беморни туман туғуруқхонасига йўлланма асосида жўнатади. Унга туман туғуруқхонаси ва юқумли касалликлар врачлари томонидан тиббий муолажалар амалга оширилади.

Врачлар томонидан беморнинг аҳволи оғирлашаётгани, аслида ушбу касаллик ҳомиладор бўлмаганлар учун ҳам хавфлидир, ҳомиласи катта бўлган сари жигарни сиқиб қўйиб, ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигини тушун-

тиради. Шундан сўнг бемор **М.Эргашева** ҳомиласини тушириб юборади.

Чунки, **Н.Эргашев** шифокорлардан маслаҳат олиб, агар аёли тугса, унинг икки нафар фарзанди она-сиз қолиши мумкинлигини тушуниб етади. Аёлини ҳомиласи туширишини аёли ва ўзи хоҳлагани аён бўлади. Чунки беморнинг ҳаёти ҳақиқатдан ҳам хавф остида эди.

Мазкур иш Кува туман маъмурий судида кўрилиб, ҳуқуқбўзар **Н.Эргашев** қилган ҳақоратлари учун кечирим сўради ва унинг учун шифокор тўғри йўл кўрсатганлигини айтиб, бошқа бу каби ҳолатлар қайтарилмаслигига ваъда берди. Қонунда белгиланган тартибда жазога тортилди.

**А.ЖУМАЕВ,**  
Кува туман маъмурий судининг раиси

# Кўркамлик бахш этади

Пойтахтимизда бунёдкорлик ва ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари йил бўйи давом этиб келмоқда. Шу боис, мевали, манзарали дарахтлар ва гул кўчатларини иссиқхоналарда етиштириш ҳам кенг йўлга қўйилган. Ачинарли томони, бундай иссиқхоналарда карантин зараркунандалари ҳам аниқланмоқда. Бунинг ёмон томони шундаки, кимдир яхши ният билан кўчат сотиб олиб, меҳнатлар эвазига экса-ю, кўчат ўсмаса, қуриб кетса...

## Назорат

Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш учун Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари тизимли ишларни йўлга қўйган. Айтиш мумкинки, пойтахтимиз ҳудудидаги кўчатлар етиштирилган 11 гектар иссиқхона карантин назоратидан ўтказилди. Бунинг натижасида ўтган йилнинг охириги чораги давомида 3 миллион 200 минг дона соғлом манзарали гуллар шахримиз майдон ҳамда кўчаларига чирой бахш этди.

Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш учун Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимлари тизимли ишларни йўлга қўйган. Айтиш мумкинки, пойтахтимиз ҳудудидаги кўчатлар етиштирилган 11 гектар иссиқхона карантин назоратидан ўтказилди. Бунинг натижасида ўтган йилнинг охириги чораги давомида 3 миллион 200 минг дона соғлом манзарали гуллар шахримиз майдон ҳамда кўчаларига чирой бахш этди.


**Мадина БАКАЕВА,**  
**Омон ЗУФАРОВ,**  
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси инспекторлари

# “Помидор куяси” йўқ қилинди

Аҳолининг сабзавотларга бўлган эҳтиёжини турли мавсумларда бирдек қондириш учун иссиқхоналар фаолияти кенг йўлга қўйилган. Лекин сўнгги пайтларда сабзавотларни, айниқса, биз севиб истеъмол қиладиган помидор кўчатлари ва мевасини “помидор куяси” зарарламоқда.

Шу ва бошқа мева сабзавотлар етиштириладиган иссиқхоналарда зарарсизлантириш тадбирлари мунтазам ўтказилади. Утган йилнинг тўртинчи чорагида Тошкент шаҳар

ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан икки ярим гектардан кўпроқ иссиқхона карантин назоратидан ўтказилди. Иссиқхонадаги ўсимликлар-



14-15 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Б-ҲАВО	
13 март	+20°C
14 март	+8°C
15 март	+20°C
16 март	+7°C
17 март	+23°C
18 март	+11°C
19 март	+25°C
20 март	+14°C
21 март	+25°C
22 март	+14°C
23 март	+24°C
24 март	+11°C
25 март	+24°C
26 март	+7°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

## ЖАМИЯТ

**Муассислар:**  
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси,  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси,  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди,  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси,  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси,  
Ўзбекистон экологик ҳаракати,  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

## Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Рустам Комилов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Раҳмат Мамадов  
Нуриддин Убайдуллаев  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Актама Хайитов  
Адхам Йўртов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-314 Адади: 1505.  
Жума куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ, Баҳриси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Гулҳаё Хусанова

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.  
ЎЗА яқуни:  
Топширилган вақти: 20:15  
1 2 3 4 5 6